# Ким бир илмдан сўралса-ю

09:54 / 22.03.2019    1925

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ سُئِلَ عَنْ عِلْمٍ ثُمَّ كَتَمَهُ أُلْجِمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِلِجَامٍ مِنْ نَارٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

15. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир илмдан сўралса-ю, у ўшани яширса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади», дедилар».***

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

** Гапириш лозим бўлган ўринда сукут сақлаб, худди оғзига юган солингандек илмни яширгани учун жазо ўлароқ қиёмат куни оғзига оловли юган солинади.*